



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

№ 169 (10.222)

2004 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРЬ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЁН УЧ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, кадрли ватандошлар!

Мухтарам меҳмонлар!

Бугун - юртимизда муборак айём, тарихий сана — Ўзбекистонимиз мустақилликка, истиқлолга эришган кун.

Сиз, азиз юрдошларимни, сизларнинг сиймонгизда гўзал пойтахтимиз Тошкентда, шаҳар ва қишлоқларимизда бу кутлуг айёмни нишонлаётган бутун халқимизни Мустақиллик байрами билан чин қалбимдан самими муборакбод этаман.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Бугун мустақил давлатимиз, овоз мамлакатимиз яна бир эшга улғаймоқда. Биз ўз олдимизга кўйган янги ҳаёт, демократик жамият қуришдек буюк мақсадимиз сари яна бир қадам кўйдик.

Биз бугун мана шу тарихан қисқа даврда босиб ўтган йўлимизни, бошимиздан кечирган синов ва ўта мураккаб кунларни, хавфу хатар, қийинчилик ва машаққатларни, шу билан бирга, кўлга киритган ютуқ ва марраларимизни ҳаёлимиздан ўтказишимиз, сарҳисоб қилишимиз табиий, албатта.

Шу давр мобайнида шаҳар-қишлоқларимиз, азим пойтахтимизни, юртимизнинг қиёғаси бутунлай ўзгариб бораётгани;

Шарқ, Ғарб ва Жануб сари интилган коммуникациялар, автомобиль ва темир йўллари, йирик иншоотлар, одамларимизни иш билан таъминлайдиган янги, замонавий корхоналар барпо этилгани;

тарихий-маданий, диний қадриятларимиз тиклангани, баркамол авлоднинг вояга етаётгани ва шу каби эртага тарихга кирадиган улкан дастур ва тadbирларимиз — буларнинг барчаси биз босиб ўтаётган йўлнинг, келажик буюк давлатнинг асосий мезони ва амалий белгиси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бугун иқтисодиётимизнинг зарқарор суръатлар билан ривожланаётгани, халқимиз турмуш даражаси ортиб, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора юксалиб бораётгани диёримиздан яшаётган ҳар қайси инсонга мамнуният этказиши шубҳасиз.

Бундай ютуқлар негизда авваламбор халқимизнинг фидокорона меҳнати ва бунёдкорлик салоҳияти, одамларимизнинг онги ва тафаккури, ҳаётга муносабати ўзгараётгани, улар ўзини шу юртинг ҳақиқий эгаси деб ҳис қилаётгани мужассам.

Шу борада юксак марралар-

га етиб боришимизнинг замирида ётган энг муҳим омилларни яна бир бор таъкидлаб ўтишни ўринли деб биламан.

Бу — аввало жамиятимизда сувдек, ҳаводек зарур бўлган ва халқимиз кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келаётган тинчлик-осойишталик, ҳамжиҳатлик ва тотувлик.

Бу — ҳар томонлама чуқур ўйланган, биринчи галда, халқимизнинг манфаатини кўзда тутиб, изчиллик ва қатъиятлик билан олиб борилаётган сиёсий ва иқтисодий ислохотлардир.

Бу — узоқ ва яқин кўшилари билан ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамоҳанг бўлиб яшаш ва унинг ҳаётида ўзимизга хос, ўзимизга мос ўринни эгаллаб олишдек эзгу мақсадлардир.

Вақт ўтиши, замон ўзгариши билан ҳар қандай ҳолис кузатувчига бир ҳақиқат аён бўлмоқдаки, биз ички ва ташқи сиёсатимизни амалга оширишда кимнингдир тазйиқ ёки амрига итоат қилиб, турли ўйинларга қўшилган эмасимиз ва доимо мустақил сиёсат олиб борганмиз.

Биз учун ягона ва устувор мақсад — бу Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир.

Бугун ёруғ юз билан айтишга ҳаққимиз борки, қанчалар қийин бўлмасин, биз бир кунлик ҳаёт билан яшаганимиз йўқ, келажак авлодимизнинг ризқи ва насибасига хиёнат қилганимиз йўқ.

Оллоҳнинг ўзи бизга инъом этган ер ости, ер усти бойликларимизни ўзлаштиришда, уллардан оқилона ва самарали фойдаланишда, давлатни идора қилиш, иқтисодиётимизни ташкил этишда биз аввало узоқ ва давомли мақсад-муддаоларимизни кўзлаб иш олиб бормоқдамиз.

Шу ўринда биргина мисолни айтиб ўтиш жоиз, деб биламан.

Биз 1997 йилда қабул қилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш учун талаб қилинадиган маблағлар ҳажми ҳар йили миллий бюджетимизни харажатининг қарийб ярмини ташкил қилмоқда. Лекин шунга қарамадан, биз кенг кўламли, улуғвор бу дастурни изчиллик билан ҳаётга жорий этмоқдамиз.

Нега деганда, бу эл-юртимизнинг эртанги кунни, равнақи ва тараққиёти, Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузини белгилаб берадиган том маънодаги тарихий қадамдир.

Шу йилдан амалга ошира-

бошлаган, беш йилга мўлжалланган умумтаълим мактабларини ривожлантириш дастури ҳам ана шундай улкан аҳамиятга эга бўлган ишларимиз қаторига кирди.

Ҳеч кимдан кам бўлмаган, бамисоли эркин қуш каби парвозга шай бўлиб турган, билагаи кучга тўлиб, салоҳияти юксалиб бораётган, умид-ишончимиз, таянчимиз ва сўянчимиз бўлган навқирон авлодимизнинг майдонга чиқаётгани мана шу сиёсатнинг дастлабки нишонасидир.

Халқимизнинг фахри бўлган Рустам Қосимжонов каби ёшларимиз бу авлоднинг қалдирғочларидир ва уларнинг сафи тобора кенгайиб боришига мен қатъий ишонаман.

Азиз дўстлар!

Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонада, халқаро терроризм, диний экстремизм, нарқобизнес каби бало-қазолар инсоният ҳаётига таҳдид солиб турган бир шароитда мен ўз ўйимиз, ўз муқаддас юртимизни ўзимиз асрайлик, ўзимиз ҳимоя қилайлик, деган даъват ҳар бир юрдошимизни доимо хушёрлик ва огоҳликка чорлаб туришини истар эдим.

Ўзбекистонимиз — она Ватанимизга нисбатан ғаразли ният билан юрган кимсалар кулоғига кўрғошиндай қуйиб олсин. Биз кўзлаган орзу-мақсадларимизга албатта етамиз, эркин ва фаровон яшайдиган жамиятни албатта қурамиз ва бу йўлда бизга ҳеч ким тўсиқ бўлолмайд.

Бунинг учун барчамиз огоҳлик ва хушёрликни йўқотмаслигимиз, бепарволик ва лоқайдликдан бутунлай халос бўлиб, миллат ва халқ бирлигини янада мустаҳкамлаб, ўзаро ахил, меҳр-оқибатли бўлиб яшашимиз ва тинчлик учун курашмоғимиз керак.

Қадрли ватандошларим!

Орадан йиллар, асрлар ўтади. Шубҳа йўқки, мамлакатимиз ҳаётида янги-янги ўзгаришлар, шодие-на ва қувончли кунлар кўл бўлади. Лекин халқимиз, миллатимиз тарихида Ватанимиз истиқлолга эришган мана шу кун энг улуғ, энг азиз байрам бўлиб қолаверади.

Мен бугун шу юксак минбарда туриб, Ўзбекистоннинг оғирини, шаъну шавкатини ўз елкасида кўтариб келаётган, барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган заҳматқаш халқимизга таъзим қиламан.

Барчангизни Истиқлол байрами, Озодлик айёми билан яна бир бор чин қалбимдан кутлайман.

Эл-юртимиз омон, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!



Мустақиллик
майдонидан репортаж



ОЗОД ЭЛНИНГ БҮЮК БАЙРАМИ

Бу кун — энг улуғ ва энг азиз байрамимиз нишонландиган кун.

Бу кун — Ўзбекистон давлат мустақиллигининг ўн уч йиллик кутлуг тўйи.

Бу кун — мамлакатимиз тарихи зарварларига абадий муҳрланган унутилмас сана.

Бундан ўн уч йил аввал биз неча-неча аждодларимиз орзу қилган мустақилликка эришдик. Эркин ва озод тараққиёт йўлини танладик. Демократик тамойилларга, бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, янги давлат қуришга бел боғладик.

Тарих мезонларидан қарайдиган бўлсак, ўн уч йил дегани бир зум, бир дақиқадек қисқа мuddат. Аммо Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида янги ҳаёт пойдеворини қуриш йўлидаги мураккаб ва шарафли меҳнат билан ўтган бу даврнинг мазмун-моҳияти, шак-шубҳасиз, асрларга тенг.

Кундан-кун чирой очаётган қишлоқ ва шаҳарларимиз, «Ўзбекистонда тайёрланган» белгиси билан дунё бозорларини забт этаётган замонавий, рақобатбардор махсулотларимиз, истиқлолимизнинг иқтисодий асосини мустаҳкамлашга, халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётган донимиз, пахтаимиз, олтинимиз, нефть ва газимиз, бошқа кўплаб бебаҳо неъматларимиз шундан далолатдир.

Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизими, қишлоқ хўжалиги, саноат, илм-фан, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофазат, таълим, маданият, спорт каби соҳаларда узоқ мўлжалли давлат дастурлари асосида амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар бунинг белгисидир.

Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, одамлар қалбида, онгу шуурида намоён бўлаётган меҳр-оқибат, мурувват, баргиреклик каби фазилатлар ва юрдошларимизнинг эртанги кунга юксак ишончи буни тўла тасдиқлайди.

Меҳр ва мурувват йилида мўътабар қарияларимиз, ота-оналаримизнинг ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиб, бир-биримизга меҳр-оқибат ва мурувват кўрсатиш, жамиятимизда ҳеч ким ёлғиз эмаслиги, ҳеч ким эътиборсиз, қаровсиз қолмаслиги каби халқимизнинг азалий фазилатларини қайта тиклаш, ривож топтириш борасида кўплаб амалий ишлар рўёбга чиқмоқда.

Йил охирида ўтказиладиган сайловлар мамлакатимизда икки палатали парламентни шакллантиришга қаратилганлиги билан ўта муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида тарихимизда қолажак.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга экани, янги жамият қурилиши йўлида олиб бораётган ҳаётбахш ислохотлари, яратувчанлик меҳнати, демократик ўзгаришлар йўлидаги собитқадамлиги, мустақил ички ва ташқи сиёсати билан дунё халқларининг ҳурмат-эътиборини қозонмоқда.

Бунинг тасдиғини жаҳонро нуфузимиз ортиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Биргина мисол. Жорий йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқаларнинг сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга кўтарилганида Ўзбекистоннинг алоҳида ўрни бор. Айниса, ушбу ташкилотнинг минтақавий Ассистентроп тузилмаси ижроия кўмитаси Тошкентда иш бошлагани турли бало-қазоларга қарши курашда ҳамкорликни изчил кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларимизни яна бир амалий натижа билан бойитди...

Тошкент шаҳри, 31 август. Ватанимизнинг бош майдони - Мустақиллик майдони ҳар галгидан гўзал, салобатли.

Давоми 2-бетда.



ОЗОД ЭЛНИНГ БУЮК БАЙРАМИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, Олий Мажлис депутатлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илгорлари, тadbirkorлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрганлар.

Соат 19.30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислол Каримов кириб келади.

Байрам тантанасига ҳозир бўлганлар Юртбошимизни қарсақлар билан кутиб олади.

Чорлов мусикаси байрам шодиёнаси бошланаётганидан дарак беради. Президент Ислол Каримов минбарга тақлиф этилади. - Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг ўн уч йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этади. Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграйди.

Миллий байрамимиз тантаналарини элликдан ортик мамлакат аҳли бевосита томоша қилади. Интернет тармоғи орқали у жаҳоннинг энг чекка нуқталарига кириб боради. Ҳа, бу кун Ўзбекистон мадҳияси дунё бўйлаб жарангламоқда - тилимизнинг гўзаллигидан, мусиқий таъбиимизнинг инҳалигидан, ўзбекнинг саховатидан, тантлигидан, эрксевар ва нехбин табиатидан бани башарни воқиф этмоқда. Қаршимиздаги нурли паннода Ўзбекистон Давлат байроғи маъжланилади. Хумо - элу юртимиз бошига қўнган бахт қўши қанотларини ростлаб, тинч ва мусаффо Ватан осмони узра парвозга шайлангангадек. Саҳнанинг икки четиди «1991-2004» рақамлари нур сочади.

«Ватан - ягонадир, Ватан - биттадир». Майдон узра таралаётган қўшиқнинг маъноси теран, таъсири чексиз. Уни тинглаш асосида қалбимизда миллий гурур, миллий ифтихор туйғулари жўш уради. Амфитеатр сахнасининг икки ёнидаги йирик экранларда акс этган ёрқин лавҳалар Ватан манзаралари, мустақиллик йиллари, ҳусусан, сўнгги йилларда амалга оширилган бунёдкорлик ишларимиз, турли соҳалардаги хайрли юмушларимиз ҳақида ҳикоя қилади.

Мустақиллик байрами арафасида турли йирик ва муҳим корхоналарнинг юрт тўйига тўёна сифатида ишга туширилиши аёнанага айланган. Байрам олдида ишга тушган еттига йирик қўшма корхона наинки пойтахтимиз ёки вилоятлар марказларида, балки юртимизнинг чекка ҳудудларида барпо этилгани, яъни замонавий ишлаб чиқариш саноатининг туманларга, қишлоқларга томон кенга бошлагани эътиборга моликдир.

АҚШ, Германия, Туркия компаниялари билан ҳамкорликда Қашқадарё вилоятида ишга туширилган «Яккаботекс» қўшма корхонаси йилига 3 минг тонна ип-калава ишлаб чиқариш қувватига эга. Хоразм вилоятидаги «Шовотекс» қўшма корхонаси бир йилда 3,36 миллион дона трикотаж маҳсулотлари, «Боготекстил» қўшма корхонаси йилига 4,35 минг тонна ип-калава, 1,44 минг тонна мовут, 2,7 миллион метр ип-газлама ишлаб чиқаради. Наманган вилоятининг Шаҳанд қишлоғида ишга тушган «Ас-Шоҳотекстил» қўшма корхонаси йилига 2,1 минг тонна калава, Сирдарё вилоятида янги иш бошлаган «Лола модел» қўшма корхонаси 6 миллион дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Тошкент шаҳрида иш бошлаган «Шарқ модел» қўшма корхонасининг йиллик қуввати 7,2 миллион дона, «Сағботекстил» қўшма корхонасиники эса 1,8 миллион дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконини беради.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг қон томири - темир йўл тармоқларини кенгайтириш, коммуникация соҳасига илгор технологияларни жорий этиш борасида ҳам гоят салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Жорий йилнинг март ойида Амударё узра поезд ва автомобиллар катнайдиган йирик кўприк бунёд этилди. Ҳозир 681 метрлик ушбу кўприкдан ҳар кун ишлаб пазудлар, минглаб автомобиллар ўтиб турибди. Август ойида «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» йўналишидаги темир йўлнинг дастлабки навбати ишга туширилиши тўғрисида арзонлиги, хавфсизлиги ва қулайлиги билан алоҳида аҳамиятга эга ушбу транспорт тармоғининг халқ ҳўжалиқидagi ўрни янада қўсалди.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам ислохотлар изчил бормоқда. Хусусан, фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Ҳозирги кунда

юртимизда 100 мингдан зиёд фермер ҳўжалиги мавжуд бўлиб, экин майдонларининг ярмига яқини уларнинг ихтиёрида. Фермер ҳўжалиқларида 713 мингдан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Бундай ҳўжалиқларнинг пахта етиштиришдаги улуши қарийб 40 фоизга, ғаллачиликда эса 42 фоизга етди...

Карнай-сурнай, доира садолари янграйди. Карвон кўнгируғининг майин оҳанги, чанқовуз садоси, най навоси бир-бири билан ўрин алмашади. Буюк ипак йўлида жойлашган қадимий ўлкамиз санъатининг турфа қирралари намён бўлади.

Аждодларимиз асрлар давомида яратган бекиёс маънавий ва маърифий меросимизни, миллий кадритларимизни янада бойитиш ва ривожлантириш баробарида, шавқатли ота-боболаримизнинг номини ёд, руҳини шод, хотирасини обод этиш ҳам мустақиллик берган эзгу имкониятлардандир.

Жорий йилда ҳўкуматимиз қарорига мувофиқ буюк сиймоларимиздан бири Ҳожа Аҳрор Валийнинг 600 йиллик тўйи кенг нишонланади. Нурли паннода қадимий обидаларимиз, табарруқ қадимларимиз, истиқлол йўлида жонини фидо этган буюк миллатдошларимиз сиймолари акс этади. Номини унутилаёган улуг аждодларимиз тарихи фақат истиқлол шарофати ила тикланиди.

рени сабр-тоқат билан ҳал этиш, фарзандларимизни барқамол инсонлар этиб тарбиялаш билан бирга, мамлакатимизнинг сийсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, жамиятимизда амалга оширилаётган туб ўзгариш ва янгилашнилар жараёнида юртимиз аёлларининг алоҳида ўрни ва мавқеи бор. Президентимизнинг шу йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чоратadbirkorлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу Фармон ихросини таъминлаш юзасидан қабул қилган қарори хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятини аёллар манфаатларининг амалдаги ҳақиқий ифодачиси ва ҳимоячисига, биз барпо этаётган эркин фуқаролик жамиятининг том маънодаги узвий бир қисмига айлантиришга қаратилган.

Даврага болалар чиқиб келадилар...

Фарзандларимизни етуқ инсонлар этиб воёга етказиш, уларнинг бахти ва қамоли учун ҳеч нарсани аямаслик давлатимиз ва жамиятимизнинг устувор вазифаларидан этиб белгиланган ўз самарасини бермоқда. Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ишлаб чиқилди ва ҳаётга кенг жорий этил-

штирокчиларига эҳтиром кўрсатадилар.

Истиқлол йилларида юқсалиб бораётган мактаб-кудратимиз, салоҳиятимиз дунё спорт майдонидида қўяётган, жаҳон жамоатчилигини ҳайратда қолдираётган қадамларимизда ҳам намён бўлмоқда. 24 ёшида шахмат бўйича жаҳон чемпиони тожини қийиб, ўз билими ва иқтидори билан башариетни лол қолдирган, миллатимизнинг довруғини яна бир бор дунёга ёйган ҳамюртимиз Рустам Қосимжоннинг мислсиз ғалабаси бунчи тўла тасдиқлаб турибди.

Бундай зафарларни қўлга киритишда миллат ва халқни бирлаштирадиган, мамлакатни дунёга машҳур этадиган спорт соҳасига эътиборнинг тубдан ўзгаргани, барқамол авлод тарбияси йўлидаги узокни қўзлаб амалга оширилаётган улкан ишларимиз мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаётгани шубҳасиздир. Умидки ёшлар - жаҳон спорт майдонларида Ватанимиз обрў-эътиборини юқсалтириш йўлида жонбозлик кўрсатаётган Рустам Қосимжон, Ирода Тулаганова, Миржалол Қосимов, Дилшод Мансуров, Муҳаммадқодир Абдуллоев каби спортимиз юлдузлари билан ҳар қанча фалансақ арзийди.

Спортлар ёш авлодни жисмонан ва маънан балоғат сари элтувчи «Барқамол авлод», «Умид ниҳоллари» ва «Универсиада» мусобақаларининг туб мазмун-моҳиятини бадийий талқин этишга интиладилар. Яна бир неча кундан кейин Самарқандда бошланажак «Универсиада-2004» мусобақалари очилишида ёқиладиган машъалага олов кўтариб Паркент-Самарқанд оралиғидаги 400 километрдан зиёд масофани босиб ўтаётган навқирон спортимизимиз тизмисоллари кўз унгимизда гавдаланмади.

Афинада ўтган Олимпиадада Ўзбекистон шарафини юқсалтиришда жаҳорат кўрсатган ватандошларимиз саҳнага кўтариладилар. Икки юздан ортик мамлакат вакиллари иштирок этган ушбу нуфузли мусобақаларда олтин медал соғвириндори бўлган чемпионларимиз - Александр Доктуришвили ва Артур Таймазов, кумуш медал соҳиблари - Магомед Иброҳимов, бронза медал соғвириндорлари - Баҳодир Султонов ҳамда Уткирбек Ҳайдаровни, ушбу гоят нуфузли спорт мусобақаларида қатнашган бошқа олимпиадачиларимизни байрам аҳли олқишладилар.

Майдон узра ҳарбий мусика садолари янграйди. Саҳнага сафма-саф, шаҳдам қадимлар билан Ватан посбонлари кириб келадилар.

Юртбошимиз қайд этганидек, биз ўз тарихимизда ҳеч қачон, ҳеч қимга ҳасад, ёвуз ниёт билан қараган эмасмиз ва бошқалардан ҳам шунча талаб қилишга ҳақлимиз. Афсуски, инсоният юқсак орзу-умидлар билан қадим қўйган янги - XX I асрда ҳам халқаро террорчилик балоси дунёнинг турли жойларида ўз ёвуз қўёфасини ботбот намойиш этмоқда. Ҳа, бугун нотинч ва тахликали бир замонда яшаймиз.

Бундай вазият барчамизни доимо оғох, сезир ва ҳушёр бўлишга, тез ўзгарти бораётган замон билан ҳамоҳанг ҳолда узокни қўзлаб яшашга, Ўзбекистонимизнинг куч-қудратини мустаҳкамлашга, унинг учун фидоийлик кўрсатишга чорламоқда.


Ёшларни ҳарбий хизматга, ҳарбий ўқув юртлирига қўзатаётган ўзбек оилалари акс этган лавҳа тизмоларида халқимизнинг энг ишончли таянчи ва суянчи, фаҳри ва ифтихори бўлмиш миллий армиямиз сафларини мустаҳкамлаш давлатимиз ва жамиятимиз, Ватанимизнинг тақдирига бевфар қарамайдиган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчиға айлангани тараннум этилади.

Опера ва балет санъати вакиллари, замонавий ўзбек эстрадаси намояндалари ўз чиқишларида миллатимизни, халқимизни улуглайдилар, мустақиллигимизни, озода ва обод Ватанимизни мадҳ этадилар.

Ажиб оқшомнинг ана шундай шуқуқли лаҳзаларида бамисоли қалбимизга сиймай гупираётган қувонч ва шодлик тўғрисидадек ранго-ранг мушаклар порлайди. Қўққа оловли ҳайратлар сонган мушакларда, тизгинсиз тўйгулар қалқан орақларда, севинч ёғдулари порлаган қароқларда бир тилак юлдуздек жибваланади:

Истиқлолнинг муволаб бўлсин, она халқим, жонажон Ватаним!

Фулор МИРЗО,
ЎЗА шарҳловчиси



қадр топди. Ота-бобосини, ўзининг азизларини унутмаган элдан барака кўтарилмайди. Шу маънода, Вазирлар Маҳкамасининг «Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори халқимиз дилидаги гап бўлди. Зеро, бундай масканларни обод этиш аждодлар ва авлодлар олдида ҳам қарз, ҳам фарздор.

Мумтоз қўшиқлардан шўх лапарлар, айтишувларга гал етади. Турфа оҳанглар, хилма-хил либослар, дилтортар куй-қўшиқлар тизмоларида мамлакатимизнинг ранг-баранг санъати бор сеҳрсинаоти, меҳр-таровати билан дилларини яйратади, қўзларни қувнатади.

Саҳнада юз-қўздан меҳр ва шўқроналик балқиб турган Она намён бўлади. У «Элим деб, юртим деб яшагин, болам», дея ўз нуридийдалари - Истиқлол фарзандларини алқайди.

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, амалга ошираётган ҳайбтабхш ислохотларимиз самарадорлигини таъминлаш, миллий аҳна ва кадритларимизни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш ишларида хотин-қизларимизнинг улуши тобора ортиб бораётяпти. Оилада тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат муҳитини сақлаш, ҳаёт ташвиш-

моқда.

Дастур қамраб оладиган беш йиллик маддат давомида мавжуд жами 9727 мактабнинг 8476 тасида эски мактаб бинолари ўрнига янгиларини қуриш, капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари белгиланди.

Болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган юмушлар, аслида, мактаб таълимини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли жайри ишларимизнинг таркибий қисмидир. Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига мувофиқ, 2004-2009 йилларда жойларда янги қуриладиган мактабларда 325 та, шу жумладан, қишлоқ жойларида 300 та, капитал реконструкция қилинадиган 2 минг 313 та мактабнинг 1 минг 431 тасида спорт заллари қурилиши режалаштирилган. Бу ишларнинг барчаси - Ватан келажига эътибор, миллат истиқболига гамҳўрлик, демакдир.

Қувонч ва серғайит ўғил-қизларимиз ўзларининг бахтли болалиқни мадҳ этувчи қўшиқлари, шўх-ҳандон рақслари билан қалбларимизда умид ва ишонч ўйотади. Мустақил Ватаниннинг навқирон фарзандлари, иқтидорли ёшлар - халқаро олимпиада ва халқаро мусобақалар ғолиблари байрам

31 август тонгида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи янада гавжум бўлди. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида шаҳид кетган ватандошларимиз хотирасини ёдга олиш, нафақат ўтмишимиз, балки бугунги ёруғ кунларимизни ҳам янада теранроқ аниглаш имконини беради. Истиклол аталмиш буюк неъматни кўз қорачиқидек асраб-авайлаш, келажак авлодларга озод ва обод ватан қолдириш барчамизнинг шарафли бурчимиздир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қатагон қурбонларини ёд этиш кўни муносабати билан пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида ўтган маросимда иштирок этди. Бу ерда Юртбошимиз жамоатчилик вакиллари ва журналистлар билан учрашиб, ўзининг фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

Ҳар бир мамлакат мустақилликка эришгандан сўнг унинг олдида кўпдан-кўп муҳим ҳаётий масалалар пайдо бўлади. деди давлатимиз раҳбари. Мустақиллик тузум даврида зулм ва тажовуз, қатагон қурбон бўлган минглаб ватандошларимиз хотирасига бағишлаб мажмур ёдгорлик мажмуисини барпо этганимиз халқимизнинг дилидаги иш бўлди. Бугунги кўтлуг кунларга эришишимизга ўзининг муносиб хисосини қўшган инсонлар хотирасини эъзозлаш доимий эзгу амалларимиздан бўлмоғи лозим. Эл-юрт озодлиги йўлида қурбон бўлган аждодларимиз ёдини ҳамisha эсда тутмоғимиз даркор.

Истибод ҳафосини бошидан ўтказган киши мустақиллик қадрини, бу ёруғ кунлар шукҳунини, айниқса, теран аниглайди.

Аждодлар хотирасига ҳурмат бажо этиш ҳар бир инсон учун фарз, деди Ислом Каримов. Бугунгидек кўтлуг кунларда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуига келиб, қатагон қурбонларини зиёрат этиш киши руҳини поклайди. Айни пайтда, шу зиёратгоҳ тимсолида инсон фалак гардиши қандай айланмасин, барибир адолатнинг қарор топиши, эзгуликнинг абадийлигига ишонч ҳосил қилади. Шу сабабли биз катта маънавий, тарбиявий аҳамиятга эга бундай савобли ишларимизни изчил

давом эттиришимиз керак.

XX аср бошида халқимиз, миллатимиз орасидан етишиб чиққан маърифатпарвар аждодларимизнинг ибратли ҳаёти ва маънавий жасоратини кўз олдимизга келтириб, уларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш ҳақида кўп ўйлайман. Бу ҳаракатнинг кўзга кўринган намоёндалари бўлмиш Бехбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Боту, Элбек каби боболаримизнинг номлари, улар-

Миллий озодлик, миллий уйғониш гоёси ҳақидоларнинг буюк, муқаддас орузи бўлган. Шунинг учун ҳам биз уларнинг номлари ва қолдирган мероси билан фахрланамиз. Жамиятни жаҳолат ва қолоқликдан олиб чиқиш, миллатни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштириш, тафаккури ва салоҳиятини юксалтириш ҳақидаги қараш ва даъватларини доимо қадрлаймиз.

Мустақиллик йилларида бу улуғ зотларнинг хотирасини

зиёратчиларга, хусусан, ёшларга сабоқ ва ибрат вази-фасини ўтайди, уларнинг дилидан озодлик тўйгулари муштажам жой олишига хизмат қилади.

Юртбошимиз билдирган тақлиф йигилганлар томонидан қизгин маъқулланди.

Кези келганда яна бир мулоҳазани жамоатчилик эътиборига ҳавола этиш ўринли бўлади. Шаҳид дейилганда ватанини ёвдан ҳимоялаш, истибоддан қангалидан қўқариш, уни озод ва обод кўриш учун жонини фидо қилган мард ва жасур инсонлар кўз ўнгимизда намоён бўлади. Тинч ва осуда замонда ўзига ва атрофидоғиларга, муҳташам иншоотлар, моддий ва маънавий қадриятларга ўт қўйиб, ўзини портлатганларни шаҳид, деб бўлмайди. Одамлар қалбига қўрқув ва ваҳима солиб, беғунох кишилар қонининг тўкилишига, қўллаб оилаларнинг ҳаловатини ўғирлаб, қайғуга солишга сабабчи бўладиганлар ватан, миллат хоинларидир. Аллоҳнинг иродасига қарши бориб, ўзи ва ўзгалар умрига зомин бўлганлар ҳамisha халқ ғазабига маҳкумдир.

Ўзлигини англамаган, муҳим ҳаётий ҳақиқатларнинг мазмун-моҳиятини тушуниб етмаган халқнинг келажиги йўқ. Шунинг учун бугунги авлод, айниқса, ёшлар оқни қорадан, яҳшини ёмондан, ростни ёлғондан ажрата билмоғи лозим. Аждодлар меросидан фақат фахрланиш эмас, балки уни ривожлантириш ва янада бойитиш даркор.

Ёшларимиз қалбига бугунги ҳаёт ҳақиқатини тўла сингдиришимиз зарур. Ўзлигини, аждодлари қимлигини теран аниглаган ёшлар ҳар хил бузғунчи ғоялар таъсирига тушмайди. Фарзғўй қимсалар ортидан қўр-қўрона эргашмайди. Фикри, онгу шу-ури тоза бўлади, эл-юрт тинчлиги, фаровонлиги учун ўзининг ҳам маъсулияти борлигини ҳис қилиб яшайди.

Истиклол йилларида қўллаб эзгу, улуғ ишларни амалга ошириш ва оширмоқдамиз. Юртимизнинг ҳар бир фуқароси бу жараённинг фаол иштирокчисига айланмоғи керак, деди Ислом Каримов. Фарзандларимизнинг ҳеч қимдан кам бўлмай яшаш учун барчамиз ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим.

Норали ОЧИЛОВ,
ЎЗА муҳбири

ШАҲИДЛАР ЁДИ МАНГУ

Мустақиллик йилларида миллий маънавий меросимизнинг кадр топиши билан бирга Ватан истиклоли йўлида шаҳид кетган қатагон қурбонлари хотирасининг абадийлаштирилиши улкан хайрли амаллардан бири бўлди. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан пойтахтимизда бунёд этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи уларга қўрсатилган эҳтиромнинг ёрқин намунасидир. Бугун, халқимиз истиклол байрамини нишонлаётган кунларда бу маскан зиёратчилар билан мана шундай аҳамияти бекиёс.



нинг шу замин, шу Ватан келажигини ўйлаб амалга оширган эзгу ишлари улар орзу қилган Истиклол йилларида юзага чиқди, деди Юртбошимиз.

Бу фидойи инсонлар мустақиллик тузум, зулм ва зўравонлик ҳукмрон бўлган ўта оғир ва мураккаб замонда яшаб, таъкиб ва таъзияларга қарамасдан, ўз маблаглари хисобидан янгиича мактаблар, театр ва кутубхоналар очгани, газета ва журналлар ташкил қилгани, дарслик ва китоблар нашр этгани, бир сўз билан айтганда, эл-юрт ўртасида маърифат зиёсини сочгани тарихдан яхши маълум.

Қанчалик қийин, қанчалик машаққатли бўлмасин, улар илм-маърифат билан халқни уйғотиш, унинг кўзига ҳақиқатни очиб бериш, ўзлигини аниглашнинг ўзлари учун муқаддас бурч деб билган, бошига оғир кунлар тушганида ҳам ўз эътиқодиغا содиқ қолган.

тиклаш, ҳурматини жойига қўйиш борасида кўпгина хайрли ишларни амалга оширдик, деб таъкидлади Юртбошимиз. Бугунги кунда қўллаб қўча ва мактаблар, маданият ва маърифат масканлари уларнинг номлари билан аталмоқда, илмий-ижодий мероси тикланмоқда ва кенг ўрганилмоқда.

Лекин бу борада қилишимиз зарур бўлган ишларимиз ҳам оз эмас. Шуларни инобатга олиб, қатагон қурбон бўлган боболаримизга эҳтиром сифатида мана шу зиёратгоҳда уларнинг фидойиллигини, жасоратини ифодалаш мақсадида ёдгорлик ўрнатасан, унинг пойига истибод қурбонига айланган ватандошларимизнинг исм-шарифини ёзасан, ўйлайманки, уларнинг руҳини янада шод этган бўламиз, деди Президент Ислом Каримов. Аждодларимизнинг мустаҳкам иродаси, эътиқоди, мардлиги бу мажмуага таширф буюрган

ҳамиша озодлик ва хурриятга интилиб яшайди. У қалбига ҳамиша ҳар жиҳатдан эркин, таҳликасиз турмуш кечиршига эҳтиёж сезади. Ва бу эҳтиёж билан умр бўйи ҳамнафас яшайди. Биз ёшлар эркин ва фаровон юртда яшамоқдамиз. Бу ютуқларимизнинг қадрига етайлик.

● **Азиз ШОКИРОВ, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабаси:**

—Ватанпарварлик— ҳар бир фуқаронинг фарзандлик бурчи. Ватанга муҳаббат унинг ҳар бир қарич тупроғи муқаддас эканини юракдан ҳис қилиш, бало-қазолардан асрашда ҳам намоён бўлади. Яқинда, Ватанин олдидаги йигитлик бурчимиз— ҳарбий хизматни ўтаб қайтдим. Халқимизнинг муносиб фарзанди бўлиш учун олий ўқув юртига имтиҳон топшириб, Давлат тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, грант асосида ўқишга қабул қилиндим. Шуни фахр билан айта оламанки, биз ёшлар азиз ва гўзал Ватанимизга ҳамиша садоқатлимиз. Унинг келажиги учун ҳамиша хизматга тайёремиз.

Мамлакатимизда

● Мамлакатимиз Мустақиллигига 13 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар раҳбарларидан самимий қўтловлар келмоқда.

● Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда асосан парламент сайловини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш борасидаги масалаларни ўз вақтида ҳал қилиш, сайлов жараёнида ошкораликни таъминлаш масалалари хусусида сўз борди.

● Беруний туманидаги педагогика ва иқтисодиёт касб-хунар коллежининг 550 ўринли янги биноси фойдаланишга топширилди.

● Андижон вилояти, Избоскан тумани, Лугумбек қишлоғида янги қишлоқ шифокорлик пункти очилди. У «Меҳр-шафқат ва саломатлик» хайрия жамғармаси туман бўлими маблағлари эвазига бунёд этилди.

● Мустақиллик байрами арафасида Эллиққалъа туманининг «Тоза Амрбод» ширкат хўжалиги марказида замонавий спорт мажмуи ҳашар йўли билан қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу ерда спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, енгил атлетика турлари билан шуғулланиш мумкин.

● Қорақалпоғистонда ижтимоий-иқтисодий мажмуа ҳодимлари ўртасида спорт фестивали ўтказилди.

● Ўзбекистон шахмат федерациясида биринчи ўзбек халқаро гротсмейстери Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган шахмат бўйича турнир якунланди.

Жаҳонда

● Кеча Қирғизистонда Мустақиллик кўни байрами нишонланди.

● Россия ва Буюк Британия денгизчилари ҳамкорликда ҳарбий машғулотлар ўтказишди.

● Руминия ҳаво ҳудудида ўқув машғулотларида иштирок этаётган икки ҳарбий МиГ-21 русумли самолётлар тўқнашиб кетди. Учувчилар омон қолишди. Ҳозир фалокат сабаблари ўрганилмоқда.

● Американинг Population Reference Bureau тадқиқот компанияси яқин 45 йилга мўлжалланган жаҳондаги демографик ўзгаришлар динамикаси тўғрисидаги маълумотни тайёрлашди. Унга кўра Япония, Германия ва бошқа кўпгина ривожланган мамлакатларда тез орада аҳоли сонининг кескин камайиб кетиши кузатилади.

● 70 ёшли америкалик Жорж Брундстат Ла-Манш сузиб ўтган энг кекса киши сифатида тарихга кирди. 21 миля масофани сузиб ўтиш учун у 16 соатга яқин вақт сарфлади.

Истиклол кўнгалари

МУНОСИБ ФАРЗАНДА БЎЛАМИЗ

● **Динара ТАНҒРИЕВА, Шарқшунослик институтининг исломшунослик факультети талабаси:**

— Мустақиллик туфайли Ўзбекистон фуқаролари иймон ва виждон эркинлигига эга бўлдлар. Халқимизнинг асрлар мобайнида шаклланган урф-одатларининг, маънавий қадриятларининг асоси Бош Қомусимиз— Конституциямизда қайд этилган. Бу эса халқимизнинг азалий орзусининг ушалганлиги демекдир. Эндиликда миллий байрамларимизни юқори кўтаринкиликда нишонлай оламиз. Хурриятимиз туфайли эришаётган ютуқларимиздан қувонмай бўладими?! Шундай экан, Мустақиллик байрамимиз барчамизга кўтлуг бўлсин.

● **Равшан ҚОДИРОВ, Ахборот технологиялари университети талабаси:**

—Мен учун ҳозир қўшалоқ байрам деса бўлади. Чунки, Давлат тест имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, грант асосида ўқишга қабул қилиндим. Шу кунларда юртимиз Истиклолни кўлга киритганига 13 йил тўлганини кенг нишонламоқдамиз. Пойтахтимиз кўчалари-ю маданият ва истироҳат боғларида бир неча кун давом этадиган байрам шодиёналарини нишонлаётган ҳамшаҳарларимизнинг юз-кўзлари қувонч ва шодликка тўлган.

● **Найира АБДУСАМЕДОВА, Ўзбекистон Миллий университетининг хорижий филология факультети талабаси:**

—Мустақиллик азалдан инсониятнинг орзу-умидлари, армон ва изтиробларини ўзида мужассам этган. Дарҳақиқат, инсон табиатининг гултожи сифатида


ЕЛКАСИДА БАТАННИНГ ЮКИ

Ҳадемай биринчи кўнгирак чалинади. Са- ломат аяни шогирдлари гуллар билан қарши- лаб яна унинг меҳрига, сабоқларига талпини- шади.

Ҳар йили шу манзара такрор бўлганда, ҳар- бийликни танлаган ўгли Баҳромжон ҳаёлидан ўтади. Отасиз камолга етказди. Ўзи ўқитиб, та- лим-тарбия берди. Барибир ота тарбияси бўлак- ча. Гоҳида кўнгилакчилик қилди, гоҳида эркилик- ларига қулук тутди. Аммо «инсон қалбининг му- хандиси», дея эътироф этилувчи ўқитувчилик тар- бияда устун келди. Ўгли кўнгилакчидек фарзанд бўлди. «Тоғанга — Шарофидинга тортгансан», дерди ўғлига. Гаплари тўри чиқди. Балогатга ет- ган ўғил ҳарбий бўлган, деб туриб олди. Ха, то- гаси Шарофидин Атаевдек. Бугун тоға — майор, жиян эса яқинда ҳарбий билим юртидан учирма бўлган лейтенант.

«Мендан олислаб кетаркансан-да, мени соғин- чларга ташлаб кетаркансан-да», деб ўйлади она ўзining қарорини эшитиб. Аммо фикр юритиб курса, фарзанди тўғри йўлдан бораёпти. Ахир, ўғли юрт ҳимоячиси бўлмоқчи, Ватанига хизмат қил- моқчи. Кўвончдан кўзларига ёш келди. Узоқ ўйлаб ўтирмай, оқ фотиха берди. Фарзанди умумқўшин кўмондонлик билим юртини тугаллаб, лейтенант Маҳкамов бўлиб уйга кириб келди. Унга боқиб тўймайди она. Ўғли анада улайгандек, яна кўркам- лашгандек. Келинга атаб йигиб юрган сепи, кўз остига олиб кўйган қизи ҳаёлидан ўтади. «Бўйла- рингдан ўргилай, болам» деганча бағрига босиб тўймайди она. «Мустақиллик бўлмаса, бундай ну- рафшон кунлар бўлмаса, фарзандларимизга офи- церликка йўл бўлсин эди. Собқ иттифок даври- да ўғлини ҳарбийликка жўнатиб, сўнгра тобугини кўчиб зор қашаган оналарни билман. Шўқри, фарзандларимиз ўз юртида, ўз Куролли Кучла- рида хизмат қилишяпти. Ўзбекиминг ҳарбийлари бўлиб, Ватан равнақи йўлида жавлон уришяпти. Тоғасига ҳаваси бор гап. Аммо ҳарбийликни кўнглига Истиқлол солди», дея ҳаёлига чўмди она.

Мана, лейтенант Баҳром Маҳкамов, гуруҳ ко- мандири сифатида фаолиятини бошлади. Сентябрь- нинг бошида, Истиқлол шодиеанлари давом эта- диган кунларда ҳарбий жамоада тузилган кунини



ҳам қарши олади. Ҳозир- ча Баҳром кўл остидаги по- сибонларнинг маънавий-ру- ҳий жиҳатла- рини, жанго- вар тайёргар- ликлари дара- жасини ўрга- напти. Ахир, курсантлик ҳаёти бошқа офицерлик ҳаёти бошқа. Энди у аскар- дарга коман- дир, етакчи, устоз, Бундай ишончга му- носиб бўли- ши керак.

— Синфдо- шим, курсдо- шим лейтенант Файзулло Аҳмедов мен билан бир ҳарбий жамоада хизмат қилаёти. Бир-биримиз- га суянаμισ, таянаμισ. Ислохотлар биздан проф- фессионал армияни шакллантиришни талаб эта- япти. Кичик командирлар билан ишлашни тўғри йўлга қўйишимиз, посбонларнинг интеллектуал даражасини оширишимиз, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашимиз янги усул-услугларини то- пишимиз лозим. Жамоада спортга муносабатни туздан ўзгартирмоқчиман. Ўзим ҳам спортга қизи- қаман-да. Хуллас, ниятлар кўп. Тошкентда билим юртида ўқидим. Пойтахтда Истиқлол сабаб қан- чалар улкан ўзгаришлар бўлаётганини кўрганман. Уйга борганимда ҳам тугилиб ўсган гўшанинг қан- чалар чирой оқаётганини кўраман. Шунинг ағлаб етдимки, биз бурчимизни виждонан ўтаб, асл по- сибонлар бўлсак, юртда бундайин ўзгаришлар бўлаверади. Ҳар бир янгиланиш, бунёдкорликда юрт ҳимоячиларининг ҳам улушини кўраман. Мени бу янада руҳлантиради, — дейди лейтенант Б.Маҳкамов.

Ха, йил сайин кўшинлар сафларига Баҳром син- гари мард, жасур, Ватанга, Мустақилликка фидойи ўғлонлар қўшилаётгани кишини фаҳрга чўмдира- ди. Шоир айтганидек, сафларда бундайин нор- ларинг бўлса, юкинг ерда қолмағай.

Майор Алижон САФАРОВ

ОРЗУСИГА ЕТГАН ЙИГИТ

Оддий аскар Бобур Саидов ҳам барча тенгқурлари қатори болалик чоғлариданоқ аскар бўлишни орзу қиларди. Йиллар бир зумда ортда қолиб, у онаси Халимадон ая ният қилгандек, соғлом ва ғайратли йигит бўлиб вояга етди. Муддатли хизмат- га ҳам биринчилар қаторида қабул қилинди.

— Менга аскарлик либоси насиб этга- нидан онам жуда хурсанд бўлди, — дейди Бобур биз билан суҳбатда. — Чун- ки Ватанга, юртга муҳаббат руҳини биз- нинг қалбимизга онам сингдирган. Бу- гун онаминг орзусини рўёбга чиқариб элимиз осойишталигига қалқон бўлиб турганлигимдан бахтлиман.

Ха, оддий аскар Бобур Саидов бугун- ги кунда Ватан посбони. У подполков- ник Шухрат Ибрагимов командирлик қилаётган ҳарбий қисмда йигитлик бур- чини ўтапти. У бизга хизмати, сафдош дўстлари тўғрисида тўлқинланиб сўзлаб

берди. Унинг ғайрати ва шижоати, ҳар- бий хизматга меҳри баланглигини кўриб, етакчи посбонлардан бири эканлигини ҳис қилдик.

Бобур онаси ҳақида бежиз сўз очма- ди. Чунки отаси Соҳибжон ака оламдан ўтган, Халимадон ая фарзандларига ҳам оналик, ҳам оталик меҳрини, тарбияси- ни беришга ҳаракат қилди. Узоқ йил- лардан бундан авлодга таълим ва тар- бия бериб келаётган ўқитувчи-устоз она- хоннинг фарзанди бугун у орзу қилга- ндек юртга керакли инсон. Албатта, пойдевори мустаҳкам бу келажакнинг нурли бўлиши шубҳа йўқ.

Шерзод ДОНОВ, Ўзбекистон Миллий Университе- ти талабаси.

ЖАМОАДА ХУРМАТИ КАТТА

Ақбар ҳарбий хизматга Самарқанд вилоятидан қақрийдик. Хизматга Самарқанд иқтисодий коллежини ҳуқуқшунос мутахассис- лиги бўйича тамомлади.

БАТАН ПАРВАР

Спорт

Кўпкураш кубоги — ПОЙТАХТЛИКЛАРДА

Ҳарбий спорт мажмуига кирувчи кўпкурашнинг 100 метр масофага югуриш, турникда тортилиш, тўсиқли ягона йўлак бўйлаб умумий синов машини бажариш, 1,3 километрга югуриш каби беллашувлари бор. Мазкур спорт тури жанговар шайлик билан бевосита боғлиқ. Мусобақанинг биринчи ва иккинчи кун мезбон жамоа — Тошкент олий умумқўшин кўмон- донлик билим юрти (ТОУҚБЮ) 100 метрга югуриш, турникда тортилишда пешқадамлик қилди. Ҳатто пойтахтимиздаги ушбу билим юрти вакили катта лейтенант Тўйғун Тожиев 52 марта турникда тортилиб, ўзига хос рекорд ўрнатди.

Республика тоифасидаги ҳакам — кўпкураш мусобақаси бош ҳака- ми майор Рауф Ҳамидов бошчи- лигидаги хайъат барча натижалар- ни ҳисоблаб чиқиб, яқини хулоса- ни эълон қилди. Бунга кўра, 27121 очко жамгарган ТОУҚБЮ жамоаси кўпкураш қолиби бўлиб, кубокни кўлга киритди. Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик- муҳандислик билим юрти жамоаси 26165 очко жамгарган ҳолда ик- кинчи ўринни банд этди. Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандис- лик билим юрти жамоасига эса (20863 очко) учинчи ўрин насиб этди.

Еш тоифасига қараб биринчи гуруҳда мусобақа давомида анча фаол бўлган, катта лейтенант Т.То- жиев (ТОУҚБЮ) қолиб деб топил- ди. ЧОТҚМБЮ курсанти Д.Шера- лиев эса мазкур гуруҳда иккинчи ўринни эгаллади. Катта лейтенант Тожиевнинг жамоадoshi сержант А.Турсунов эса учинчи ўринга му- носиб топилди.

Таъкидлаш жоизки, иккинчи гуруҳ- да беллашувлар мурасасиз келди. Аммо спорт устаси, кўпкураш бўйича жамоа мураббийи капитан Игорь Бо- бомуродов (ТОУҚБЮ) тажриба бо- бидан рақиблардан устун эканлиги- ни исботлаб, чемпион бўлди. Бу би- лан жамоасига, шогирдларига наму- на кўрсатди. Иккинчи ва учинчи ўрин- ларни СОҲАҚМБЮ жамоаси вакил- лари — капитан У.Абдураҳмонов ва К.Абдулаттаровлар эгаллашди.



Нихоят, учинчи гуруҳда Ҳаво ҳужумидан мудофеа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари жамоаси ва- қили подполковник Р.Болтаев қолиб бўлди. СОҲАҚМБЮ жамоа- си сержанти А.Ғаниев иккинчи, ҳар- бий қисм вакили кичик сержант А.Дадаржонов учинчи ўринларни забт этишди.

ТОУҚБЮ жамоаси умумармия ўйинларининг ички босқичлари ўлкасизлаётган пайтдаёқ мусобақа- га пухта ҳозирлик қўраганини ҳис қилгандик. Мана, бугун бу ўз сама- расини берди. Фурсатдан фойда- ланиб, кўпкураш бўйича қолиб жа- моа мураббийи, капитан И.Бобому- родов билан қисқа суҳбатлашдик. — Жамоамиз жисмоний, руҳий тайёргарлиги юқори бўлди. Йигит- ларимиз майдонга гапаба иштиёқи билан тушишди. Охиригача, ҳар

бир очко учун курашдик. Аммо бу қолиблик билан чеқланиб қўймай- миз. Янги-янги шогирдларни тай- ёрлайман. Жисмоний устуворлик- ни янада шакллантираман, — деди жумладан у.

Аҳмаджон СОЛИЕВ СУРАТДА: кўпкурашда қолиб ТОУҚБЮ жамоаси аъзолари. Александр Мирчақ олган суратлар.

Тўрақулов. — Дўстларим оддий аскарлар — Бобоали Аҳмаджонов, Анвар Ташев, Равиль Зоқировлар ҳам туришқоқликла- ри, берилган топшириқларни эгчиллик билан уддалашлари туфайли жамоадош- лар орасида ажралиб турадилар. Нияти- ми хизмат даврида ҳарб илии сирлари- ни мукаммал эгаллаб, ҳар доим она-Ва- тан хизматига шай туришдир.

Аслидир ОБИДОВ, Мурод ОДИЛОВ, Ўзбекистон Миллий Университети талабалари. ҲАВАС МАҚСАДГА ЕТАКЛАДИ

Хайрулло амакиси Улуғбек ақанинг хизматдан қайтган кунини ҳамон ҳажсон билан эслайди.

Ҳарбий либос ўзига қуйиб қўйгандек ярашган, қадаминдан ўт қақнаб турган амакиси ўсмир йигитнинг кўзига ўта са- лобатли кўринган эди, ўшанда. Ўша ондаёқ «мен ҳам албатта аскар бўлман» деган орзу йигитчининг қалбига чўғ таш- лади. Аскарликка лойиқ бўлиш учун ас-

тойдил ҳаракат бошлади. Йиллар ўтиб, муддатли хизматга лойиқ топилган йигит алоқачилар қисмида посбонлик бур- чини ўтади.

— Мен муддатли хизмат давомида ке- лажак йўлини ҳарбий хизмат билан бо- глашга қарор қилдим, — дейди шартнома бўйича хизмат оддий аскари Хайрулло Тўраев. — Чунки ҳарбий соҳа ҳаётимнинг бир бўлағи эканлигини ағлаб етдим ва мақсадимни ота-онамга билдирдим. Улар ҳам менинг қароримни қўлаб-қувватлаш- ди, ўз навбатида оқ йўл тилашди. Мен бундан жуда хурсандман. Бу борада менга маслаҳат ва қўмак берган вазод коман- диримиз капитан Бахтиёр Маҳмудова ўз миннатдорчилигини билдираман.

Хайруллонинг муддатли хизматдан сўнг ҳарбий қисмда қолиб, хизматини давом эттираётганига андигина тўрт ой бўляпти. У ҳозирда сержантлар тайёр- лаш мактабига кириб, таълим олиш учун тайёргарлик қураёпти. Мақсади Ватан, элининг муносиб посбони бўлиш.

Улуғбек ЭРҒАШЕВ, Ўзбекистон Миллий Университети талабаси.

ПОСБОН ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРАДИ

Ҳўш, аскарларнинг интеллектуал даражасини ошириш, маънавий баркамоллигини таъминлашнинг қандай усул, ус- лублари бор? Буни тарбиячи офицерларимиз яхши били- шади. Бадиий адабиётга ошно бўлиш, бўш вақтдан оқило- на фойдаланиш, турли маданий тадбирлар ўтказиш, учра- шув, кечалар ташкил этиш мумкин. Хуллас, бу сингари тадбирларни кўп санаб ўтса бўлади.

Ақли чархловчи — интел- лектуал ўйинлар бу борада янада муҳим ўрин эгаллаши табиий. Ахир шундай белла- шувлар орқали посбон ўйлашни, фикрлашни, муло- ҳаза юритишни ўрганади. Дунёқараш кенгайиб, кўп билимларни эгаллайди. Подполковник Қаримхон Гофуржонов командирлик қилаётган қисмда бўлиб ўтган «Мунозара» ўйини ҳам ана шу мақсадга хизмат қилди, дея баралла айта ола- миз.

Қисм командирининг тар- бивий ишлар бўйича ўрин- босари майор Баҳром Аши- ров «Мунозара»нинг қизқар- ли ўйинини таъмин этди. Энг билимдон, топқир, зукко аскарлардан уч гуруҳ тузиб, уларга сардор тайинлашди. Дилшод Маҳмудалиев етак- чилигидаги гуруҳ «Муноза- ра» қолиби бўлди. Юқори- да айтиб ўтилганидек, са- воллар Соҳибжон ҳаёти, фаолиятига ҳам боғлиқ эди. Буюк бобокалони ҳақида кўп билимга эга аскарлар — қолиб жамоа рағбат тарзида пойтахтимиздаги Темурий- лар тарихи Давлат музейига саёҳат уюштиришди. Аскар- лар музей экспонатларини томоша қилиб, улкан таассу- ротлар олишди.

— Бундай интеллектуал ўйинлар бўш вақтларда тез- тез ўтказилиб турилса, айти- муда бўларди. Билим, дунёқарашимиз шакллани- ши, жанговар шайлигимиз- нинг ошишида ҳам муҳим омилдир. Мустақилликнинг 13 йиллик тўйи олдида ҳам шундай беллашувлар ўтказ- дик, — дейди қолиб жамоа аскари Дилшод Аҳмедов.

Дарҳақиқат, бундай ўйин- лар маънавий шаклланишда жуда муҳим. Фақат тарбия- чи офицерлар бунга жиддий эътибор беришса, уни таш- ки қилишининг янги-янги қирраларини топшиса бас.

Омон УСМОНОВ, майор

ҲАРБИЙ ЭКАНИМДАН ФАХРЛАНАМАН

Ватан фаҳри ва ифтихо- ри, миллат кўрки бўлган эр йигитлар, ҳар қандай ша- роятда ҳам юртининг ҳимояси, халқимиз тинчли- ги ва осойишталиги учун шай турган довурак ва жа- сур ҳарбийлар ҳақида сўз борганда беихтиёр юрагинг фаҳрга тўлади.

Ҳарбий хизмат ва унинг моҳияти, ҳарбий бўлинма- лардаги ҳаёт ва аскарлар- га яратилган шарт-шаро- итлар ҳақида тасаввурга эга бўлган ва айниқса Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ис- лохотлар боис Ватан ҳимо- ячиси бўлишдек муқаддас ва шарафли ишга ўз улу- шини қўшишни истаган ёшлар сафи тобора орт- моқда. Вояга етган ҳар бир ўсмир ўз Ватани ва халқи олдидagi хизмат му- қаддас бурч эканлигини тобора кўпроқ ағлаб ет- моқда.

Шаҳримизнинг барча туманларида жойлашган мудофеа бўлимларида Ва- зирлар Маҳкамасининг қарори билан ўғлонлари- мизни Қуролли Кучлар сафларига муддатли ҳар- бий ва муқобил хизматга навбатдаги қақирув вақти- да бу нарса яна ҳам яққолроқ намоён бўлди.

Озод ва мустақил юрт осойишталиги, тинчлиги, халқимиз манфаатларини кўзлаб олиб борилаётган ислохотлар юксак салоҳи- ятли, илми ва ҳозирги за- мон тарихини мукам- мал бошқара оладиган, ҳар қандай вазиятда муқаддас она заминини ҳимоя қила оладиган жасур ва мард ўғлонларни тарбиялашга хизмат қилиши муқаррар- дир.

Мен шу муборак кун- ларда сулолаимиз давомчи- си, касбидан гурурланган бир ҳарбий офицер сифа- тида ўз хизмат вазифасини ўтаётган барча посбонлар- га мустақиллигимизни, тинчлигимизни сақлашдек шарафли, айни вақтда заҳ- матли ишлариде амаллар тайлайман. Ўзбекистони- мизнинг гуллаб-яшнаши, ривож ва тараққиётига ҳисса қўшишни ўзининг фарзандлик бурчим деб биланман. Абдул абад юр- тимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.

Зоҳид АҲМАДЖУҲАЕВ, полковник.

Мусобақалар


ОФИЦЕРЛАРГА ХОС ШИЖОАТ БИЛАН

Қизиғи шундаки, мер- ганлар беллашувида Коро- вул кўшинлари жамоаси ва- киллари кўччилик эътиро- фига сазовор бўлишди. Еки бўлмаса сузиш маънида Шарқий ҳарбий округ ва- килларининг натижалари юқори бўлди. Аммо умум- жамоа натижаларига кўра Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти спортчилари офицерлар учкурашида қолиб бўлди- лар. Таъкидлаш жоизки, бу

спорт турида қолиб жамоа — Тошкент олий умумқў- шин кўмондонлик билим юртининг мураббийи шо- гирдларига намуна кўрсат- ди. Яъни, капитан Жаҳон- гир Шокировни назарда ту- таямиз. Аввало, у жамоа- га спортчиларни тўғри са- ралай олди. Қолаверса, мусобақага қизгин тайёр- гарликка катта эътибор қаратди.

— Умумармия ўйинлари- нинг қўйи босқичи биз учун муҳим бўлди. Қайси ҳарбий спортчининг қандай имконияти борлигини ўргандим. Офицерлар уч- кураши билан шугуллан- нишга билим юртимизда зўр шарт-шароитлар бор. Хуллас, жиддий ҳозирлик кўрдик, ўз устимизда ти- нимсиз ишладик. Офицер- лар учкураши тўппончадан нишонга отиш, сузиш, югу- риш бўйича маҳоратни тоб- лайди. Умумармия ўйинла- рида ҳарбий-амалий спорт- нинг бу турига катта аҳами- ят берилиши Қуролли Куч- лар ўртасида бўладиган хал- қаро мусобақаларда ҳамюртларимиз имконият- ларини оширади, — дейди биз билан суҳбатда жамоа мураббийи.

Алишер СОБИРОВ СУРАТДА: офицерлар учкураши бўйича қолиб жамоа вакиллари — (чап- дан ўнганга) лейтенант Шо- кир Ҳамроев, капитан Жаҳонгир Шокиров, под- полковник Хусан Авазма- тов, лейтенант Қаҳҳор Умиров, майор Адҳамжон Сармонкулов.



Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ УЎТМАГИК Доло билур...

• Эй ўғил! Бу насиҳатларга кулоқ сол, касбу хунар ўрганмадан ор қилма, меҳнат қилишни ўрган! Унутмагинки, юрт ва элнинг ривожи ҳам хунарга боғлиқ! Энг халол ва энг ёқимли ёмиш ва кийим хунардан ҳосил бўлади! Хунар яширин хазина! Қуни келиб дунё тасодифлари туфайли мол-мулкдан ажралсанг ҳам, хунардан ҳеч қачон ажралмайсан! Аксинча, у янада сайқал топиб бораверади. Хунар сенинг доимий ҳамроҳинг ва мадакорингдир.

• Дунёда энг ёқимсиз ва энг ёмон хислатлардан бири — ишламасдан бировлар инъом-эхсонига таъма кўзини тикиб ўтиришдир. Бундай салбий хислатга эга бўлганлар ҳамма вақт қораланганлар. Эл орасида бекадр бўлганлар. Касбу хунар эгаси таъмадан холидир. У ўз хунарининг фазилати туфайли ўз кўл меҳнати билан халол топиб, халол ейди.

• Билгинки, хунар дунёда молу пул ғамлаш, ундан ўз маишати учун фойдаланиш учунгина эмас. Хар қандай хунароманд киши ўз хунари билан одамларнинг кўнглини олмоғи, кўпчиликка ёрдам бериб, уларни хурсанд қилмоғи лозим. Зеро, Шайх Саъдий айтадики:

Кишида бўлмаса
фазлу хунардан,

Ундайнинг
сувратдан нима фарқи
бор?!

Хунар дунё тўплаш
учун эмасдир,

Ўзгалар кўнглини
шод қилган тақдор!

• Ҳақимлар одамнинг аҳмоғини ташқаридан кузатиб билиб оладилар. Аҳмоқ киши кўнглига нима келса оқибатини ўйламай қилаверади. Тажрибадор ва ақлли одамларнинг гапига кулоқ солмайди. Ақлсиз одамлар нима деса уларга рози бўлади. Узига ҳаддан зиёда бино қўяди. Кимки уни мақтаса ўша кишини яхши кўради. Сўралган нарсага оқибатини ўйламай жавобини бераверади. Хар бир ишда шовшалокчиликка йўл қўяди. Илмдан холи, хатога эса қон бўлади. Бойиб қолса ёки бировга ҳожати тушмайдиган бўлиб қолса ҳеч кимни менсимай, мағрурланиб юради. Биров савол берса жавоб бергани келмайди. Саволга қўполлик билан жавоб беради. Ўзи сўрамоқчи бўлса ялиниб сўрайди. Қулса қаҳ-қаҳ уриб кулади, йиғласа ундан ҳам ўтказди.

• Минг оғиз беҳуда сўздан бир лўқма нақ таом яхши.

• Унутмагинки, хар бир айтилган сўз кишининг юрагидан дарак беради.

• Бирор ерга борганда эзмаланиб узоқ ўтирмаслик ва ўтиришда эса фақат керакли сўзларни гапириш одамнинг қадру қимматини оширади.

• Дунёнинг барча ёмонлиги қулфланган бир уйга яширилган. Унинг қалити бойликка бўлган хирсдир.

• **Ҳикмат.** Киши саҳий душмандан сақланганидан кўра ҳасис дўстандан асрангани яхшидир.

Байт:
Хар кимсада бўлса
кабиҳ учур одат,
Бу одатни қилар
бир қуни тақдор.

ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА

МАРКАЗИ

Ўзбекистон халқини,
Тошкент шаҳрининг тадбиркорларини

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ

билан муборакбод этади. 70 йилликда тадбиркорлар сафни кўнайиб борсин. Бу қилғ айём элимиз дастурхонига қўй-баракка, тўқин-соғинлик келтирсин.

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази биржа савдоларига таклиф қилади. Битимларнинг тезкорлиги, ишончлилиги, конфеденциаллиги кафолатланади.

Манзилимиз: Тошкент, Миробод тумани,
Мовароуннахр кўчаси, 16-а уй.
Телефонлар: 133-46-61, 132-25-51. Факс: 133-20-74.

Сайт: www.tshmbm.uz;

Эл. почта: birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz

Икмисоқийёт

ЯНГИ МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАНДИ

Саломатлигимизни тиклашда дори-дармонларнинг аҳамияти ва фойдаси катта. Тўғри, айрим дори препаратларидаги кимёвий моддалар одам организмиде қайсидир маънода салбий асоратлар қолдириши мумкин. Аммо доривор ўсимликлардан тайёрланган дори препаратларини бемалол истеъмол қилса бўлади. Мустақиллик шодиёналари арафасида «Ўзфармсаноят» акциядорлик жамияти қошидаги «Galenika» шўъба корхонасида ана шундай фойдали ва доривор гиёҳлардан янги турдаги дори-дармонлар ишлаб чиқаришга эришилди.

бальзам ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Асосан доривор гиёҳлар, асал ва этил спирти арашмасидан тайёрланган бу бальзам уйқусизлик, асаб фаолиятининг бузилиши, ақлий ва жисмоний чарчаш, иш фаолиятининг пасайиши каби ҳолатларда қўлланилади.

Корхонанинг маҳсулотлари учун хом ашёнинг кўп қисми маҳаллий ҳисобланиб, йод, яшил суртма дорилар, кукун-

дорилар тайёрланса, янги лойиҳа цехимизда эндиликда томчи дорилар, альбуцит, цинк коркорил, нафтезин, цинк сульфати ва бошқа турдаги дорилар ишланади. — дейди цех бошлиғи Шоилёс Ақромов. — Ҳозирда бу янги цехда монтаж ишлари давом этмоқда. Тез орада фойдаланишга топширилган янги лойиҳа цехида шунингдек, новоканли, парацетамолли, демидролли дори настойкалари ҳам ишлаб чиқарилади. Ҳозирда Республика дори таъминоти, шаҳар ва вилоятлардаги дори-дармон бошқармалари, даволаш муассасалари яқин ҳамкорларимиз ҳисобланади.

Корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган тайёр дори маҳсулотлари «Ўзфармсаноят» қошида ташкил этилган бозорда сотилади. Ўз миқозларини кўпайтираётган корхона ҳозирда 2,5 минг долларлик маҳсулотларни Тожикистонга экспорт қилишга шартнома имзолади.

Орузгул РУСТАМОВА



Юрдошларимиз Олимпиаданинг икки олтин, бир кумуш ва икки бронза - жами беш медалини қўлга киритиб, Истиқлол байрами арафасида Ватанимизга ёруғ юз билан қайтди. Жаҳоннинг икки юздан ортиқ мамлакатидан кел-



Греция пойтахти Афинада ўтган XXVIII Ёзи Олимпиада ўйинларидан қайтган спортчиларимиз 30 август куни Тошкент аэропортида тантанали кутиб олинди. Тадбирда спорт мутасаддилари, халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

ган 16 мингдан ортиқ спортчилари орасида вакилларимиз умумжамоа ҳисобида 34-уринни эгаллади. Бу ўтган Олимпиададагилардан анча юқори кўрсаткичдир.

Маросимда спортчиларимизнинг бундай муваффақиятлари мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантириш ва спортчиларга берилган улкан эътибор самараси эканлиги алоҳида таъкидланди. Ана шундай гамхўрлик туфайли Олимпия чемпиони деган юксак унвонни қўлга киритган Оксана Чусовитина, Роза Галиева, Лина Черязова, Муҳаммадқодир Абдуллаев каби истеъдодли спортчилар қаторига энди янги номлар қўшилди.

Афинада Александр Доктурашвили ва Артур Таймазов юнон-рум ҳамда эркин курашда Ўз вазн тоифасида жаҳонда тенгсиз эканини исботлади. Уларнинг юксак галабаси шарафига давлатимиз малҳияси янграб, миллий байроғимиз кўтарилганида қалбимизда ифтихор туйғулари жўш урди.

Эркин кураш устаси Магомед Иброҳимов, боксчиларимиз Баҳодир Султонов ва Ўткирбек Ҳайдаров ҳам Олимпиада совриндорлари қаторидан жой олдилар.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

Лазиз РАҲМАТОВ,
ЎЗА мухбири

Азиз ҳамшаҳарлар ва пойтахтимиз меҳмонлари !

"РОУТАХТ"
МЕҲМОНХОНАСИ ЖАМОАСИ

қалбларимизни фахр-ифтихор
тўйғуларига тўлдирувчи
энг азиз ва энг қизғ байрагимиз -

Мустақиллигимизга
13 йил

тўлиши муносабати билан
барганизга энг самимий
тилакларини билдиради.

Шинглик, бахт-саодат ва
фаровонлик хонадонларингизни
ҳег қагон тарк этмасин.

Байрамингиз билан !

Ҳўжралик юритишчи субъектлар раҳбарлари
ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.



**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ
ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА
БИРЛАШМАСИ**

Тошкентбой Эгамбердиев номи Тошкент Давлат цирки
МОСКВА ЦИРКИНИНГ ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ
Хинд филлари
ўргатувчи Россияда хизмат кўрсатган артист Юрий ДУРОВ
Иллюзион ўйинлар устаси Россия халқ артисти
Кох КУНЕС
Томошалар: 30, 31 август кунлари соат 12:00, 18:00 да бошланади
1, 4, 5, 11, 12 сентябрь кунлари 12:00, 18:00 да бошланади.
Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда. Ҳақ хар хил шаклда тўлашиши мумкин.
Касса эрталабки соат 9:00 дан ишлайди.

Маълумотлар учун телефонлар
144-35-91; 144-29-04; 144-32-23.



Grand Mir Hotel

"Гранд Мир"

МЕҲМОНХОНАСИ ЖАМОАСИ

серкӯёш Ўзбекистон халқини ва меҳмонларини

Мустақиллик куни

билан чин юракдан
табриклайди.

Барчангизга
оилавий бахт-саодат,
тинчлик, осойишталик
ва мустақкам
саломатлик
тилаймиз!

Байрамингиз қутлуғ бўлсин!

2004 — Меҳр ва мурувват йили

САХОВАТГА ЙЎҒРИЛГАН КЕЧА

Қутлуғ кунлар арафасида муҳтожлар, кам таъминланганлар, етим-есирлар ва ногиронларга беғараз муруват кўрсатиш халқимизнинг азалий одатларидан саналади. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида ҳам қаерга борманг, ана шундай ранг-баранг хайрия тadbирлари ўтказилаётганининг гувоҳи бўласиз.

Сергели туман ҳокимлиги ва Ўзбекистон халқ демократик партияси туман Кенгаши ташаббуси билан туман «Бахт уйи»да Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги ҳамда Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб «Меҳр кўрсат, мурувват қил» номи тadbир бўлиб ўтди.

Хайрия кечасига туман ҳудудида истиқомат қилувчи 200 нафар ногиронлар ва шунча кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари тақдиф этилди.

Болажонларни туман ҳоқими М.Абдуллаев ва бошқалар қутлашди. Тоҳир Содиқов раҳбарлигидаги «Болалар» гуруҳи, «Баҳор гунчалари» ансамбли ўзларининг энг яхши куй-қўшиқларини йиғилганлар эътиборига ҳавола этишди.

Шуни таъкиллаш жоизки, ногирон болаларга 10.000 сўмдан пул қўйилган шахсий жамгарма китобчалари, турли совға-саломлар топширилди.

Тadbирнинг кўнгилдагидек

ўтиши ва болажонлар дилларини шод этишда ҳомийлар — «Сергели автобозори», «Вестон чай» ташкилотлари, «Криди» ногиронлар ташкилотининг туман бўлими ҳамда «APLA» имконияти чекланган кишиларга ижтимоий ёрдам жамгармаси ўз саховатларини аяшмади.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: тadbирдан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.



Мамлакат XIII миллий чемпионатининг 16-тур беллашувида «Пахтакор» сафида Молдованинг «Зимбрул» жамоасининг собиқ ҳужумчиси Шинелов ҳам иштирок этди.

Футбол

«ПАХТАКОР»НИНГ ЙИРИК ҒАЛАБАСИ

Ушбу турда ўз майдонларида «Сурхон» жамоаси футболчиларини қабул қилган пахтакорчилар ажайиб ўйин намойиш этишди. Тезкор, ҳужумкор, комбинацион ўйин кўрсатиб рақиблар дарвозасига кетма-кет ҳужум уюштириш ўз самарасини берди. Аввало, ўз клуби билан тузган шартномаси муддати яқунланган Шинеловнинг «Пахтакор» сафига қабул қилинганлиги пешқаддам жамоанинг ҳужум чизигини янада мустақкамлади. Шу кунги мухлислар саккизта голнинг гувоҳига айланишди. Қизғин шундаки, «Пахтакор» меҳмонларни 8:0 йирик ҳисобда энгиб мухлисларни шод этган бўлса, тошкентликлар сафида биринчи ўйинни ўтказган Шинелов «хет-трик»ка эришиб, рақиб дарвозабонини уч марта хато қилишга мажбур этди. Қолган тўпларни Жепаров (2 та), Солиев, Пономарёв (2та) йўллашди.

Жиззахда «Сўеидиёна» жамоасига қарши тўп сурган «Трактор» футболчилари ҳам сермаздум ўйин намойиш этиб мезбонларни 2:1 ҳисобида мағлуб қилишди ва муҳим очколарни қўлга киритишди. Қолган учрашувлар қуйидагича яқунланди. «Қизилқум» — «Навбахор» — 2:2, «Бухоро» — «Андижон» 3:0, «Нефтчи» — «Локомотив» — 4:0, «Машғал» — «Металлург» — 1:1.

Чемпионатнинг 17-тур баҳслари 12 сентябрда бўлиб ўтди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Газетанинг навбатдаги сони 3 сентябрда чиқади.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;

эълонлар:

133-28-95, 136-57-65;

факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усунди

босилди.

2756 нускада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги
почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почтамити»га — 133-74-05
— телефонга мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси,
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.